



ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

МЕХНАТ ВАХТАСИДА

ТОШКЕНТ трикотаж фирмасида бу йил ўтган йилга нисбатан 1 миллиондан ортиқ буюм ишлаб чиқарилади. Айниқса, синтетик толадан тайёрланадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ортади. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, СССР ташкил тошган куннинг 50 йиллиги шарафига тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йиллиги муваффақиятли, бажариш юзасидан эълонларига социалистик мажбурият қабул қилинди. Суратда: корхона цехларидан бирида. В. ЛЕВЗЕРОВИЧ фотоси.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ | № 43 (4502). | ЧОРШАНБА | 1 март, 1972 йил | Баҳоси 2 тийин.



15 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

ШАНБАЛИКДА 800 КИШИ ИШТИРОК ЭТАДИ. 30 МИНГ СЎМЛИК МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ. ТУШГАН МАОШ БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА БЕРИЛАДИ.

Республикаимиз пойтахт областидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари мисқалликларнинг шу йилнинг 15 апрелида умумхалқ коммунистик шанбаллигини ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Янги-янги коллективлар ана шу ватанпарварлик ҳаракати иштирокчилари сафига қўшилиб, шанбаллигини юксак савияда ўтказиш, унинг ҳақиқатан ҳам коммунистик меҳнат байрамига айлантириш режаларини тузишпти.

«Учқун» тўқимачилик-галантерей фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилишга қарор қилдилар. Шу муносабат билан умумкорхона, цехлар ва участкалар бўйича митинглар бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари шанбаллик кунни қилинади-ган ишларни белгиләдилар. Айрим цехлар, бригадалар эсималарига оширилган мажбуриятлар оляшди. Улар шанбалликда нормани кам билан 110—

120 процентдан бажаришга аҳд қилидлар. Коммунистик шанбалликда барча ишчи-хизматчилар фаол қатнашадилар. Ҳаммаси бўлиб 800 киши иштирок этади. Уларнинг аксарияти меҳнат постларида туришади. Халқимиз ахтиёслари учун жуда қўнғиндорда кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади. Чеварлар шу кун кам билан 30 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишмоқчи. Корхона коллективи шанбалликда 2000 сўм соф фойда олади. Тушган 1,5

минг сўмлик маошнинг эса тўққизинчи беш йиллик фондида ажратишга қарор қилидлар. Бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлмаган хизматчилар ва ходимлар корхона территориясини ободонлаштириш билан шуғулланадилар. Барча цехлар сарамжон-саринга қилинади. Металл парчалари йиғилади. Юзлаб тулдарахт кўчатлари ва туллар ўтказилади. Ирригация шохобчалари тартибга келтирилади. Коллектив коммунистик шанбаллик

нинг ҳар томонлама самарали ва мазмунли ўтишини таъминлашга қатъий аҳд қилган. Бундай шанбалликлар корхонада биринчи марта ўтатгани йўқ. Бу йил учинчи марта ўтказилади. Ишчи-хизматчилар ҳар гал ҳам шанбалликда бир жон, бир тан бўлиб қатнашмоқдалар. Улуғ дохий Владимир Ильич Ленин тутилган куннинг 102 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган бу шанбаллик чеварларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётганликларини намойиш қилувчи ана бир далил бўлади.

ЭКИШГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРАЙЛИК

КЎКЛАМГА ШАЙ

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олянди). 2-«Пискент» совхозининг меҳнаткашлари СССР ташкил тошган куннинг 50 йиллигини меҳнат талабалари билан кутиб олиш юзасидан «Оқ олтин» бўлиб, далага ўнг ташиб чиқаришда ўртоқ Г. Мамедов бошлиқ бригада аъзолари ўрнатилган. Бригада ўнгга йили ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта тошмирган эди. Бу йил ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнердан ортиқроқ қилишмоқчи. Бригаданинг Н. Мирзаев бошлиқ аъзолари эса ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар.

Ҳозир бригадада мажбуриятга яраша иш кетяпти. Механизаторлар социалистик мусобақа байроғини кўтариб, техникани ремонтдан чиқариб қўйишди.

30 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

КПСС XXIV съезди қарорларини ижро этиш билан амалга ошириш учун курашаётган

Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари беш йиллик план тошмирида мундарида оляди ишламоқдалар. Колхоз бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» тошмирини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўз аҳдларининг устидан чиқиш учун курашаётган деҳқонлар шу кунларда кўкламга тайёргарлик кўриш ишларини тезкорлик билан олиб бормоқда. 26 трактор, 14 селка ремонтдан барвақт чиқариб қўйилди.

Райондаги Свердлов номли, Ленин номли, «Ленин йўли» колхозларида чопи, ҳайдов тракторлари, шунингдек чигит экиш селкалари сифатли ремонтдан чиқариб қўйилди.

ИЛҒОР БЎЛИМДА

БЕКОБОД. (Телефон орқали олянди). Абдусамат Халидов бошқарувчи бўлган 6-бўлин 1-«Даларзин» совхозининг юқори ҳосилли бўлимларидан ҳисобланади. Бу ерда йилдан-йилга ҳосилдорлик ошмоқда. Ўтган йилда қўлга ки

ритилган ютуқлар ҳам ишчиларини беҳад ҳурсанд қилиди: ҳар гектар ердан 28 центнердан хирмон кўтарилиб план ошириб бажарилиди. — Бу йил, — дейди бўлим бошқарувчиси, — ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш учун курашамиз. Шу мақсадда дала ишлари қулайлиги юборилди. Айниқса, захкаш ерларнинг мелiorатив аҳолини яхшилаш соҳасида бирмунча ишлар қилиб қўйилди. Ариқ-зовурларнинг тозалашда механизаторлар самарали фойдаланишди. Ҳосил кам карталарга қўшимча ўнг ташиб чиқаришди. Экин агрегатларини ремонт қилиш ишлари ҳам асосан тугалланди. Биз ҳар бир агрегатнинг қандай ремонтдан чиқарилганини текшириб, қабул қиладиган комиссия ҳам тузганмиз. Комиссия аъзолари тажрибали механизатор ва мутахассислардан иборат.

Бўлимимиз ишчилари экин кампанияси жуда қисқа муддатда, юқори агротехника талаблари даражасида ўтказишга янгилик аҳамият берадилар. Уруғ энг яхши ишланган, текис ерларга ташланади.

ҲАР СИГИРДАН 3,5 МИНГ ЛИТРДАН СУТ

Яқинда фермаимиз коллективи Калинин районидаги Ильич номли колхоз сўт соғувчиси Мўтабар Уматованинг «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Ҳар бир сиғирдан 3360 литрдан сут соғиб оламиз» сарлавҳали материални, ўқиб, муҳокама қилиди. Хатда «Накта коллективнинг бир аъзоси эсимандаги вазифини бажариш учун чинакамга қурашса, бошқаларни ҳам ўзидан намуна олишга чақирса, кўчичилик унга эргашиб фидокорона меҳнат қилса, ўша ерда ютуқлар кўпайди» дейилган. Бу ҳақиқатан ҳам тўғри гап.

Бизнинг фермаимизда бундан 2—3 йил илгари ҳар сиғирдан 2—2,5 минг литрдан сут соғиб оляндилар. Беш йилликнинг тўғич йилида илгори сўт соғувчи ўртоқ Полина Калугинанинг бир ўзи ҳар сиғирдан 3100 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилиди. Унинг ташаббусига ўртоқ Аня Гарафова ҳам қўшилиди. Шундай қилиб, улар йил охирида ўзларига бириктирилган 18—20 бош сиғирнинг ҳар бирдан 3369 литрдан сут соғиб олядилар.

Биз 2500 товуқнинг ҳар бирдан планда кўзда тутилган 100 донга ўрнига 147 тадан туҳум олядик. Бир центнер сут етиштириш учун 1970 йилдаги 21, 20 сўм ўрнига 20, 18 сўм ҳаражат қилидик.

Биз ўртоқ М. Уматова ташаббусига қўшилдимиз. Бу йил ҳар сиғирдан 3,5 тоннадан сут соғиб оламиз, унинг таянчларини арзонлаштирамиз. Ҳозир сўт соғувчиларимиз СССРнинг шонли 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, шу улуғ айёмга аниқмага олган мажбуриятларини бажаришга ҳаракат қилаётимиз.

Н. М. ГОРЯШЕНКО, Ўрта Чирчиқ районидаги «Горняк» совхозининг бош зоотехниги.



«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»нинг Тошкент ремонт-механика заводи коллективи трактор дивта теллари ремонтини жадал олиб боришти. Ҳозиргача заводда 1300 га яқин дивта теллар ремонтдан чиқарилиб, колхоз, совхозларга жўнатилиди. Мутахассислар ойлик, квартал планларини ошириб бажариш учун барча резервларини ишга солмоқдалар. Суратда: заводнинг илгори мотористи Абдураҳмон Желакеев. У кунлик нормани 120—125 процент ошириб адо этмоқда. В. СИРОТКИН фотоси.

ШОНЛИ САНАГА СОВҒАМИЗ

Комбинатимиз асосан Свердлов ва бошқа областларнинг қўриқ ерларида бўлиб этилиётган ўзгача, мактаб, маданий-маиший, савдо, болалар муассасалари, маъмурий биноларини экин, дераза, ром, пол тахталари каби материаллар билан таъминлайди. Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилини муваффақиятли якунлайди. Қурилишларга 164 минг кубметрдан ортиқ дурадгорлик материаллари, 11 минг кубметр пол тахталари ва бошқа зарур ускуналар етказиб берилди. Маҳсулот реализация тошмирини 102,5 процент қилиб уйдиланди. Меҳнат унумдорлиги эса мўлжалдан 11,9 процент ортиқ бўлди. Шунини диққатга сазоворки, комбинат аҳли план тошмириларини ўз вақтида бажариш билан бир қаторда маҳсулот сифати яхшила

ланди. Масалан, пилорама ҳамда қурилиш материаллари ўртасидаги оралиқда темир ислар етказилиб, ёғочлар махсус платформалар орқали оғиб келинапти. Натияжада оғир қўл меҳнати талаб этувчи махсус жараён механизацияга устива юкланиб, яқин илгори бошқа операцияга қўйиш имкони туғилди. Ўз-ўзидан маълумки, меҳнат унумдорлиги ҳам кескин ошди. Умуман, янги техника, илгори технологияни қўланиш пайпасида ишлаб чиқариш процесси тезлашиб, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати анча яхшиланди, меҳнат унумдорлиги эса 21 процентга кўтарилди.

Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига

амалий иш билан жавоб бермоқда. Санжаме бригадаси — коммунистик меҳнат коллективи номин остида меҳнат қилипти. 350 ёғочсоз коммунистик меҳнат зарбдорлиги. Анатолий Огольняк бошлиқ 1-участка «Ленинча зарбдор меҳнат коллективи» номин олади. Бу коллективда йиллик тошмирини 25 декабрга адо этиб, планга қўшимча равишда 75 минг сўмлик ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Ўйлаймизки, аҳил коллективимиз зиммасига олган бу вазифани ҳам тўла-тўқис уйдасидан қилиди.

Шу боисдан қатор цехларга ярим автомобилар ўрнатиляпти. Улар тўла қувват билан ишга тушгач, йилда корхонамиз 10 минг сўмлик маҳсулотини тежаб қилиш имконийтига эга бўлади. Комбинат аҳли СССР ташкил тошган куннинг 50 йиллигини брут юз билан кутиб олиш мақсадида йиллик тошмирини 25 декабрга адо этиб, планга қўшимча равишда 75 минг сўмлик ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Ўйлаймизки, аҳил коллективимиз зиммасига олган бу вазифани ҳам тўла-тўқис уйдасидан қилиди.

П. АНДРИАШКИНА, Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати директорининг ўринбосари.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ЛИВИЯ ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОШЛИГИНИ ҚАВУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний Москвага келган Ливия Араб Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи, ЛАР революцион қўмондонлиги кенгашининг аъзоси Абдул Салом Жўлудин 28 февралда Кремлда қабул қилиди. Дўстона суҳбат чоғида Совет-Ливия муносабатларини ривожлантириш масаллари, шунингдек Яқин Шарқдаги аҳвол, бир қанча муҳим халқаро проблемалар қараб чиқилди. (ТАСС).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

НУКУС. 29 февраль (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қорақалпоғистон Автоном Республикаси қишлоқ хўжалиги илгориларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари тўққизинчи беш йиллик биринчи йиллигини якунларини ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг 1972 йилги вазифаларини муҳокама қилидлар. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Айткуровов докла қилиди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоларига кандидат, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов нутқ сўзладилар. Кенгаш қатнашчилари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун социалистик мажбуриятлар қабул қилидлар.

САМАРҚАНДЛИКЛАР

МАРРАНИ 500 МИНГ ТОННА ҚИЛИБ БЕЛГИЛАДИЛАР

САМАРҚАНД. 29 февраль (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Самарқанд област қишлоқ хўжалиги илгориларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишда Самарқанд области билан мусобақадош Бухоро областининг вакиллари қатнашди. Област иккунья комитетининг раиси С. Хамроқулов бугунги йилнинг якунлари ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдига турган вазифалар тўғрисида докла қилиди. Кенгаш ишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. А. Габриелян қатнашди. Кенгаш қатнашчилари 1972 йилда ватанга 500 минг тонна пахта етиштириш тўғрисида эсималларига социалистик мажбуриятлар олдилар.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ТЎҒРИСИДА СУХБАТЛАР

Ўтган яшанба кун самолёт ва поездларда Ўзбекистоннинг ҳамма томонларига жўнаб кетган пасажирлар орасида республика фанлар академияси шунингдек Тошкентдаги олий ўқув юрталари институтлари фанлар кафедралари олимларидан юз киши бор эди. Булар—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропагандаистлар гуруҳларини бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида қарорини тушунтириш учун маҳаллий партия ташкилотларига жойларда ёрдам берадилар. Бу пропагандаистлар жойларга жўнаб кетиш олдидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ишга аниқлаш бўлимида йўл-йўриқ олдлар. (ЎзТАГ).

КЎП НУСҲАДА НАШР ЭТИЛАДИ

«Ўзбекистон» нашриети «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи» ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қарорини Ўзбекистонда китоб қилиб нашр этиди. Китобча кўп нусхада чиқарилади. (ЎзТАГ).

